

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 8, 31 Август

УДК: 633. 853. 52. 631.5

## СОЯНИ ДУРАГАЙЛАШ ТАРТИБИ

Термиз агротехнологиялар ва инновацион ривожланиш институти

Шаманов А.П. Эргашев Ж.Ш., Тошматова Ў.С.

Ерюзиди соя 128 млн гектар ерда экилади Ўзбекистон соянинг экин майдони йилдан йилга кўпаймоқда. Республикамизда соянинг 30тадан зиёт навлари Давлат реестрига киритилиб экишга тавсия этилган бўлса, ҳосилдорлик навлар потенциали (30-4ц/га) га нисбатан паст, яъни 18-20 ц/га лигича қолмоқда.

Соянинг donida 30-52 % oqsil, 18-25 % yog', 20 % uglevodlar bor. Uning donidan qandli diabet kasalliklari uchun parhez taomlar tayyorlanadi. Donidan sut, qatiq, tvorog, kolbasa mahsulotlari, margarin, un, konditer mahsulotlari, moy, konservalar tayyorlashda foydalaniladi. Soyaning asosiy oqsili - glisinin yaxshi hazmlanadi, suvda yaxshi eriydi, achib qatiqqa aylanadi, uning oqsili almashtirilmaydigan aminokislotalarga boy.

Dunyoda yalpi ishlab chiqarilgan o'simlik moyining 40 % soyanikiga to'g'ri keladi.

Soyaning kunjarasida 40 % oqsil, 1,4 % yog', 30 % AEM saqlanadi. Uni yashil va silos massasi uchun, toza hamda makkajo'xori bilan qo'shib o'stirish mumkin. 100 kg yashil massasida 21 o.b., 3,5 kg oqsil bor бўлиб чорва моллари учун юқори сифатли озуқа маҳсулоти эканлиги исботланган. Бундан ташқари соя ўстирилган ерларда унинг илдзидаги тугнак бактериялари орали атмосферадан 12-150 кг соф азот тўпланиб . тупрокниунумдорлигин сақлаб қолади ва бойитади. Ўзбекистон яраилган соянинг аксарият кўп навлари танлашлар асосида яратилган. Соянинг юқори ва сифатли ҳамда Сурхондарё вилоятининг экстремал шароитларида чидамли навларини яратиш учун унинг янги навларини дурагайлаш асосида яратиш зарур бўлади, Аддукаримов Д.Т. /2007/ Луков М.К., Шаманов А.П. /2023/, Ёрматова Д.(2004) Atabayeva X.N../ 2004/

**Сояни дурагайлаш тартиби.** Соянинг гули жуда майда ва мўрт бўлиб, чангланиш гултожининг тўлиғича ёпиқ ҳолатида ўтади. Шунинг учун, уни дурагайлаш техник жиҳатдан қийин ўтади. Чатиштиришни гуллаш фазасини бошланишида ўтказиш қулай, чунки гуллашнинг ўрталари ва охирида тугунчаларни кўпи тўкилади. Чанглантиш учун эрталаб соат 5–7 ва кечқурун

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 8, 31 Август

соат 17–19 да энг кулай вақт бўлиб ҳисобланади. Бичиш учун чатиштириш кўпи очиладиган гуллар танлаб олинади.

Одатда ҳар бир шингилда 1–2 гул бичилади, қолган гуллари олиб ташланади.

Бичилган гулларни чанглатиш дарҳол ўтказиш кулай, чунки эрталаб ва кечқурун чанг доначаларининг ҳаётчанлиги энг кучли бўлади. Чанглатиш учун 1–2 гулнинг шу вақтда ёрилган чангдонлардан дарҳол териб олинган чанги олинади. Чангни устки гуллардан олмаслик керак, чунки у ердаги чангнинг ҳаётчанлиги кўп вақтда пасайган бўлади. Намли муҳитда чанг доначаларининг сақлаш муддати бир соат. Чангланилган ёки чанглатишга тайёрлаган гулларга ёрлик осиб қўйиб, изолясия килинади. Муқобил шароитда изолятор сифатида соянинг баргидан фойдаланиш мумкин. Кўп миқдордаги мойингарчилик ва намлиги баланд бўлган йиллар пергамент қоғозидан фойдаланилади. Шунини айтиш керакки, изолясиянинг мақсади четдан чангланишдан асраш эмас (трипслар бичилган гулларнинг ичига кирмайди), балки тугунчаларни ортикча намлик ва қуёшнинг тўғри тушадиган нурларидан асрашдир.

Чатиштиришнинг самарали бўлиши дала шароитда 50–60% гача етади. Аммо, она ўсимлиги махсус вегетация уйчасида экилган бўлса 80 – 90 % га етади. Америкалик селекционер олимлар сояни дурагайлашни ўтказганда гулкосача барглари ва гултожилари олиб ташлайдилар. Соя ўсимлиги ўзининг протерогениялилиги билан бошқалардан фарқ қилганлиги учун, уларда дурагайлаш ишини гулларини бичмасдан ўтказиш мумкин.

Чанглатиш **пишиқ** чанг билан то чангланадиган гулнинг чангдонларини сарғайиб қолгунча ўтказилади. Бу ҳолда уруғчининг найчаси ва тумшукчасини шикастланиш хавфи сезиларли камаяди, муваффақиятли чатишиш миқдори (фоизи) эса қунади. Украинада районлаштирилган соянинг Кировоградская-4 нави (ВНИИМК- 9186 х Куйбишевская- 77) бичмасдан чатиштириш йўли билан яратилган.

# МЕДИЦИНА, ПЕДАГОГИКА И ТЕХНОЛОГИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА

Researchbib Impact factor: 11.79/2023

SJIF 2024 = 5.444

Том 2, Выпуск 8, 31 Август

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдукаримов Д.Т. Дала экинлар хусусий селекцияси Т.2007
2. Atabayeva X.N. – Soya. //O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. 2004. 96 b
3. Atabayeva X.N.. Mamedov N.M. – Kuzgi bug‘doydan keyin ekilgan maxsar o‘simligining hosildorligi. //Tuproq unumdorligini oshirishning ilmiy va 393
4. Mavlonov B., Xamzaev A., Boboqulov Z. – Dukkakli don ekinlarining tuproq unumdorligini oshirishdagi ahamiyati. //O‘zbekiston qishloq xo‘jalik jurnali. 2018. № 8. B. 36
5. Халилов Н., Луков М., Исроилов А. Соянинг янги навлари агротехникаси Ўзбекистон қишлоқ хўжалик журналі № 6. Т.2017 й. 13 б
6. Ёрматова Д. «Соя» Мехнат. Т
7. Луков М. К., Шаманов А.П - SOYA HAR XIL NAV VA NAMUNALARINING TEZPI SHARLIGINI VAHOLASH NATIJALARI ARES Uz Academic Research in Educational Sciences Volume 4 | Issue 9 ISSN: 2181-1385 ISI: 0,967 | Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,9 | ASI: 1,3 | SJIF: 5,771 | UIF: 6,1| 2023 str 282-285